

**«Bolalarni ma'naviy va jismoniy rivojlanishida
axborot xavfsizligini ta'minlashning
dolzarb masalalari»
Respublika ilmiy amaliy konferensiya**



MATERIALLARI

Республиканская научно-практическая конференция на тему:
«Актуальные вопросы по обеспечению информационной безопасности с целью
духовного и физического развития детей»

12 aprel 2017 yil

Toshkent , O'zbekiston




**Respublika bolalar
ijtimoiy moslashuvi
markazi**



**O'zbekiston
Respublikasi Xalq
ta'limi vazirligi**



**O'zbekiston
Respublikasi Fan va
texnologiyalar
agentligi**



**Alisher Navoiy nomidagi
O'zbekiston Milliy
kutubxonasi**

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбек халқи хеч қаочон, хеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 304.
2. Шермуҳамедов С., Очилдисв А. Маданият ва цивилизация. – Фаргона, 2000. – Б.37.
3. Ишмуҳаммедов Р., Мирсолиева М. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т., 2014.
4. Ходжаев Б., Махмудова М. Ўқувчи-ёшларда ахборот истеъмоли маданиятини ривожлантириш технологияси. – Т.: "Tafakkur qanoti", 2016.

**БАДИЙ АСАРЛАРНИ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ
АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИДАН ҲИМОЯЛАШ ТАЖРИБАСИДАН**

О.Туракулова,
ТТЕСИ қошидаги
академик лицей ўқитувчisi

Бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, хусусан, дунёнинг айрим минтақаларида тобора кучайиб илдиз отиб бораётган маънавий инкиroz хавфи ҳалқимиз маънавиятини асраш баробарида уни юксалтириш, айни, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли заарли гоя ва мағкуралар таъсиридан ҳимоя қилишини талаб қилмоқда.

Юртбешимизнинг кўп йиллик ҳаётий тажрибалари натижаси ўлароқ дунё юзини кўрган "Юксак маънавият – енгилмас куч" номли асарида ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, балки бугунги ва эртанги куннимизнинг ҳал қилувчи кучи эканлиги, ҳал қилувчи куч эса енгилмас, енгилмас куч юксак маънавиятли шахс тимсолида намоён бўлиши ҳар жиҳатдан асослаб берилди. Айни замонда, "Биз ҳалқимизнинг дунёда хеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳти бўлиб яшashi учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, хеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезирлигимизни, катъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта мухим ишни ўз ҳолига, ўзбўларчиликка ташлаб кўйдиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-окибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараккиёт йўлидан четга чикиб колишимиз мумкин" [1; 4-6.]лиги хавфининг олдини олиш чоралари аниқ кўрсатиб берилди. Шунингдек, асарда янги жамият куриш йўлида ҳалқимизнинг маънавий юксалишини ўз олдимиизга кўйган олижаноб мақсадларга етишида ҳал қилувчи мезон деб караш ва шу асосда иш олиб бориш биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келгани, бугун ҳам эътиборимиз марказида турганинг алоҳида таъкидлангани эътиборлидир.

Инсонни, унинг маънавий оламини қашф этадиган курдатли восита сифатида адабиёт ёш авлодда миллӣ гурур ва ифтихор туйгусини шакллантириш ва ривожлантиришда мухим ўрин тутади. "Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларни эса инсон руҳининг мухандислари, деб таърифланиши бежиз эмас, албатта" [1; 136-б.]. Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, "Ҳалқимиз орасидан мана шу гоят машақкатли соҳада бутун ҳаёти ва ноёб истеъодини багишлаб, адабиётимиз ҳазинасидан ўрин эгаллаган ўлмас асарлар яратган буюк сўз санъаткорлари етишиб чиққани билан барчамиз ҳақли равишида фахрланамиз" [1; 137-б.].

Замонавий шароитда бадиий педагогика намоёндлари орасида сўнгги йилларда айниқса, Марҳабо Каримова ижоди шахс маънавиятининг ижтимоийлашув билан алоқадорлигининг бадиий образларда очиб берилётганлиги, айтилаётган фикрларнинг ҳаётийлиги, ўзининг бадиий-эстетик таъсиричан кучга эгалиги билан ажralиб туради. Шоира ижодини ўрганиш асосида шундай холосага келиш мумкинки, унинг шеърлари ўқувчиларни ахборот хуружларидан ҳимоя килишда самарали таъсирир кўрсатади.

Шоира буғунги кунда кизларимиз орасида Farbga тақлидчанлик сифатида кийиниш маданиятининг урғфа айланиб бораётганлиги, ҳатто икки ёшининг унтутилмас куни сифатида ёдга олинадиган маросимларимиздан бири – никоҳ тўйида ҳам кизларимизнинг Шаркона урфдан четга чиқаётганликларини ўзининг "Ҳай-ҳай, уят!" шеърида алоҳида танқидга олади, шу билан бирга мазкур ҳолатга холис ҳакам сифатида ўз баҳосини беради:

Ҳай-ҳай, ўлан, жон ўлан,
Келин келди, йўлни оч,
Не кўз билан кўрайки,
Келин ярим ялонгоч...
Бу либосда кизларни,
Кўргандим киноларда,
Бўлар эди гарбдаги
Кўнгилочар жойларда...

Шунингдек, шоира ҳозирги кунда оиласидаги ажralишларнинг саккиз фоизига сабаб бўлаётган қўл телефонлари масаласига ҳам ўз ижодида эътибор қаратиб, ёшларимиз ҳақиқаттани ҳам мазкур алока воситасидан фойдаланишда меъёрдан четга чикиб кетаётганликларини, мазкур ҳолат ташқаридан қараганда кулгули вазиятларни юзага келтираётганлигини ҳаётий мисолларда таъсиричан ифодалаб берган:

Нима энди рўмолча,
Тўрт бурчак латта-да жўн,
Ҳозир рашқ сабабчиси,
Замонавий телефон.
Уйдаги келинлар ҳам,
Билмам нима овлайди,

Қачон қарама эрин –

Телефонини ковлади...

Шоира ўзининг “Ойпошиша холанинг илтижоси” шеърида “оммавий маданият”нинг яна бир таъсири ёш қизларнинг пул учун ўзидан анча катта бўлган кишилар билан юриши, бу ҳолатни чет эл сериаллардаги сингари оддий ҳолат деб қарашини Ойпошиша холанинг тилидан баён этади. Йигирма бир ёш, кизим,

Гўзал қаламқош, кизим,

Айланай, кундош кизим,

Опогдадангни тинч кўй.

Шеърда гўзаллик тимсоли ҳисобланган ёшликни қадрига етиш, моддий ҳаётни маънавийликдан устун кўйишнинг оқибатлари залолатга етаклаши бадий образларда ёркин ифодалаб берилган:

Кийинган билан башанг,

Бемалол юролмасанг,

“Эрим – шу” деёлмасанг,

Опогдадангни тинч кўй...

Шоира айниска, “Телефондаги сұхбат” шеърида оналарнинг қизларни тўғри йўлга солиб, оиласадаги сирларни кўчага олиб чикмаслик, эри, қайнона ва қайнотасидан нолимасликка ўргатишларини таъкидлайди. Она ва қизининг диалогида бундай бадийликка кўплаб гувоҳ бўлиш мумкин:

Кизим килди кўнгирок,

Овозида хаяжон.

Деди: сезни кўришга

Бормоқчидим онажон...

Ён кўшним эримни бир,

Аёл билан кўрипти,

Шу кунларда ўзи ҳам

Бошқачароқ юрипти...

Ташвишингни уйингга,

Кўмиб келгин, жон кизим,

Менинг олдимга факат

Кулиб келгин, жон кизим....

Тўғарак машгулотлари жараёнида шоира ижодига мансуб шеърларни киёслаб ўрганиш, шеърлардаги тушунчалар асосида матн тузиш каби тренингларга алоҳида ўтиб оратиш максадга мувофик. Бу эса шеърларнинг мазмунини ўкувчилик томонидан тўлиқ англаб олинишига имкон беради. Юкори даражада англантанлик натижасида ўкувчиларда фаоллик ва бадий-эстетик фикрлаш кўнилмалари шаклланади.

Мазкур методни кўллаш технологияси:

Ўкувчиларнинг бадий-эстетик таҳлил этишлари учун бешта ихтиёрий шеър танлаб олинади. Сўнг ўкувчиларга қуйидаги расмда кўрсатилганидек, жадвал тўлдириш таклиф этилади.

Жадвалга канча кўп шеър киритилса, қиёслаш учун шунча кўп имко-ният юзага келади.

Шеър асосида матн тузиш. “Шеър асосида матн тузиш” методи билиш-изланиш туридаги мустакил ишлар сирасига кириб, бу иш турли хил мантиқий амалларни талаб этади: анализ ва синтез, факт ва ҳодисаларни киёслаш, улардаги муштараклик ва фарқли томонларни аниглаш, асосий ва иккинчи даражали белгиларни ажратиши, сабаб-оқибат алоқа-ларини очиб бериш ва ҳакозо.

Шеърнинг номи	Шеърнинг марказида ким ёки нима туради?	Шеърдан ке-либ чикадиган мөхият нима-да?	Шеърнинг бадий-эстетик аҳамияти нимада?
Энг гўзал тушим			
Навоийни ким ўгирлади?			
Билур гуллон			
Энг гўзал қарғиш			
Соз ва созанда			

Одатда ўкувчилик номаълум ҳодисалар, янги нуктаи назарларга дуч келадилар, янги билимларни эгаллаш ва ўкув муаммосини ҳал килиш йўлларини излаб топишни талаб этадиган муаммоли вазият пайдо бўлади.

Мазкур методни кўллаш технологияси:

Дастлаб ўқитувчи ўкувчилик билан биргаликда шеърни ўқиб чиқишиади. Сўнг шеърдаги асосий тушунчаларни ажратиб, ўкувчиларга тақдим этади. Улардан бирини намуна сифатида бажариб кўрсатади. Сўнг ўкувчилик шеърдан фойдаланиб, тушунчалар асосида мустакил тарзда матн тузадилар.

Масалан, Марҳабо Каримованинг “Кўшилар ҳакида ривоят” шеъри асосида:

1) бой, мискин, эхсон, қозон, дуо;

2) бой, сафар, гўшт, бойнинг ўғли;

3) бой, қўши, эшак гўшти, ҳаром;

4) бой, Ҳаж пули, қўши, Каъбапўш, мўминлар қалби.

Шунингдек, ўкувчилик билан биргаликда шоира Марҳабо Каримова ижоди асосида “Кийиниши маданияти”, “Гўзаллик нимада?”, “Муомала одоби”, “Умр мазмуни нимада?” каби мавзуларда давра сұхбатларини ташкил этиши асосида уларда мутолаа маданиятини шакллантириш ва турли зарарли таъсиrlардан химоялаш самарадорлиги ортади.

Адабиётлар

- Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
- Марҳабо. Жо-о-о-н дадаси (шеврлар). – Т.: "Yurist-media markazi" нашриёти, 2010.
- Марҳабо Каримова. Онамни кўргани бораман: шеврлар. – Т.: "Yurist-media markazi" нашриёти, 2010.

ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИНГ "ОИЛА – МАҲАЛЛА - ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ" ХАМКОРЛИГИДА АХБОРОТ ТАҲДИДЛАРИГА ҚАРШИ МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТИНИ ШАКЛАНТИРИШ

**Р. Латипов,
СамДАКИ, "Ижтимоий фанлар"
кафедраси катта ўқитувчиси**

Шиддат билан глобаллашиб бораётган бугунги даврда жаҳонда инсоният учун хавф солаётган улкан маънавий таҳдидлар авж олиб бормокда. Бу эса дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг иктисадиётига, сиёсатига, маънавиятига ва ахборот хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳалкаро тероризм ва диний экстремизм, наркомания ва гиёхвандлик, ОИТС каби таҳдидлар қаторида бугун инсониятга маънавий ва ахборот таҳдидлари хам раҳна солмоқда. Маънавий таҳдидлар мобиль телефон, гаджет, планшет, компьютер йўйинлари, ижтимоий тармоқлар орқали янгича услуг ва кўринишларда намоён бўлмоқда. Баъзан буни инсон сезмайди. Шундай пухта ўйланганки, унинг замерида ёшлар тарбиясига, онгига, маънавиятига салбий таъсир ўтказиш, яъни, уларни тўғри йўлдан оғдириш, енгил-елпи хаётга ўргатиш, шавфқатсизлик ва зўравонликни тарғиб килиш, ўз жонига қаsd килиш каби маънавий таҳдидлар ётганлигини кўришимиз мумкин.

Инсон ҳаётида яхшилик ва эзгулика хизмат қилиш мақсадида яратган глобал интернет тармоғидан ёвуз кучлар ўзларининг гаразли ниятларини амалга ошириш мақсадида устамонлик билан фойдаланаётган бир пайтда мутасадди ташкилотлар, зиёлилар, кенг жамоатчилик вакиллари ижтимоий хамкорликда ўқувчи-ёшларни носоглом ахборотларнинг салбий таъсирларидан ҳимоз қилишда янгича механизм ва технологиялар асосида иш олиб боришимиз мақсадга мувофик. Ҳусуса, ўқувчи-ёшларнинг ахборот таҳдидларига қарши мафкуравий иммунитетини шакллантиришда "оила-маҳалла-таълим муассасаси" хамкорлигининг ўрнини алоҳида қайд этиш лозим. Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда оила-маҳалла-таълим муассасаси хамкорликда тизимли ва самарали иш олиб бориш мухим аҳамият касб этади. Ўқувчи-ёшларнинг мафкуравий иммунитети таълим муассасасида таълим ва тарбия жараёнида шакллантирилиб борилса, лекин оила ва маҳалла бунга эътиборсиз, локайд бўлса, кўзланган мақсадга этиб бўлмайди. Оилада ота-она фарзандининг кизиқишиларига, ўқишига, кимлар билан дўстлашганига, бўш вақтини қаерда, кимлар билан ўтказишини билмаса, фарзандининг мобиль телефонидаги маълумотлар билан

кизикмаса, ўқувчи-ёшлар бузгунчи гоялар, таҳдидлар гирдобига тез тушиб колади. Боланинг характеристи ва дунёкарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, меҳр-окибат, ор-номус, ота-онага, оиласдаги кекса авлод вакилларига хурмат каби мукаддас тушунчаларнинг пойдевори ҳам оила шароитида, маҳалла кўз ўнгиде шаклланади. Маҳалладаги раислар, маслаҳатчилар, маҳалла фаоллари, кўни-кўшнилар ҳудудда истикомат киувчи ўқувчи-ёшларнинг тарбияси, унинг юриш-туриши, ҳатти-харакати, кийиниши, таълим муассасасидаги давоматини назорат килиб бормаса бунинг натижаси салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу мафкуравий бўшикни вужудга келтиради ва унинг ўрнини бошқа салбий иллатлар тўлдиради. Демак, "оила-маҳалла-таълим муассасаси" хамкорлигидаги жамоатчилик назоратига путур етади. Бу борада маҳаллаларда Яраштириш, Матрифат ва маънавият, Хотин-кизлар билан ишлаш, Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияларнинг фаолияти йўлга кўйилгани ёшларни баркамол этиб тарбиялаш, уларни спортга жалб этиш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий мухитни яхшиланни каби вазифаларни самарали ташкил этишга кенг имкониятларни яратиб бермоқда.

Мустакилликни мустаҳкамлашнинг мухим шартларидан бири бу гоявий тарбияни кучайтиришдан иборатdir. Бу борада ёшларимизда ёт ва зарарли гояларга карши курашиш учун мафкуравий иммунитетни шакллантиришимиз зарур. Мафкуравий иммунитетни шакллантиришда ёшларда ок-корани ажратиш, зарарли гояларга карши хушиёр ва огоҳ бўлиш, мустакил фикрга эга бўлиш каби кўнікмаларни хосил килиш мухим аҳамиятга эга.

Шуни унумаслик керакки, баъзи ёшларда ҳар кандай ахборотни мутлак ҳакиқат сифатида кабул қилиш ҳолатлари учраб туради. Интернет сайтларида ёшлар дунёкарашига ижобий таъсир киувчи ахборотлардан ташқари бузгунчи гоялар асосида шакллантирилган материаллар, жумладан, Фарб ҳаёт тарзига мос, ўзбек миллий менталитетига зид одатлар ва кўнікмаларни тарғиб киувчи материаллар, мақолалар, клиплар, фильмларни ёшларимиз кўриб бораётганини ташвишили ҳолатдир.

Биринчидан, ёшлар ушбу хуружларга қарши ўз акли, билими, интеллектуал салоҳияти билан курашиши лозим. Бунинг учун оиласда ота-она фарзандларини мустаҳкам иродали, иймони бут киilib тарбиялашни энг асосий вазифа деб хисоблашлари лозим. Бу билан ёшларимиз ўз қадriga стадиган, саботли, мустаҳкам иродали бўлиб тарбия оладилар.

Иккинчидан, ёшларда китобхонлик ва мутолаа маданиятини юксалтириш лозим. Чунки, ҳозирги кунда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантиришда мутолаанинг ўрни мухим аҳамиятга эга. Бола қанча кўп китоб мутолаа килса, унинг дунёкараши ўсиб, дунёда содир бўлаётган воқеа-ходисаларни таҳлил кила олади, фикри теранлашиб боради.

Учинчидан, ёшларнинг бўш вактларини мазмунли ташкил этишда у ёки бу кўринишдаги машгулот ва тадбирларни ташкил этаётганда унинг тарбиявий аҳамиятига